



100047, Toshkent shahar, Buxoro ko'chasi, 10 uy

Tel. (Fax): 998 (71) 233-41-72

10, Buxoro street, Tashkent city, Uzbekistan, 100047

www.csm.gov.uz

e-mail: tashkent@csm.gov.uz

«12» январ 2017 yil

№ QN-2

Қ А Р О П

«GIDROMAXSUSQURILISH» aksiyadorlik jamiyatining 2017 йил 06 январдаги 01/16–сонли акцияларни чиқариш натижалари тўғрисидаги билдиришномасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 30 августда 2000-сон билан рўйхатдан ўтган «Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари»нинг 99-бандига асосан, Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси

ҚАРОП ҚИЛАДИ:

1. «GIDROMAXSUSQURILISH» aksiyadorlik jamiyatining 2017 йил 06 январдаги 01/16–сонли акцияларни чиқариш натижалари тўғрисидаги билдиришномасига кўра, жамиятнинг 2016 йил 12 октябрда Q0787-5–рақам билан рўйхатга олинган қимматли қоғозлар чиқарилиши қарорига асосан чиқарилган 476 011 дона акциялари ёки 100 фоиз жойлаштирилмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. «GIDROMAXSUSQURILISH» aksiyadorlik jamiyatining 2016 йил 12 октябрда Q0787-5–сон билан рўйхатга олинган қимматли қоғозлар чиқарилуви амалга ошмаган деб топилсин.

3. «GIDROMAXSUSQURILISH» aksiyadorlik jamiyatiga ушбу қарорни олган вақтдан бошлаб, ушбу қарор тўғрисида 5 кун муддатда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ҳамда 10 кун муддатда Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасига тегишли сабабларни кўрсатган ҳолда, акциялар чиқарилувини Ягона давлат реестридан чиқариш тўғрисида ёзма ариза бериш ва қуйидаги ҳужжатларни илова қилиш юклатилсин:

- қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг асли;
- оммавий ахборот воситаларидаги қимматли қоғозлар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилганлиги тўғрисидаги эълон нусхаси;
- эмитентнинг эмиссия ҳисобварағида ушбу чиқарилишнинг барча қимматли қоғозлари мавжудлигини тасдиқловчи хизмат кўрсатувчи номинал сақловчи томонидан берилган эмитентнинг депо ҳисобварағидан кўчирма.

4. Қарорнинг бир нусхаси қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсига маълумот учун, бир нусхаси «GIDROMAXSUSQURILISH» aksiyadorlik jamiyatiga ижро учун берилсин.

5. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ахборотни ошқора қилинишини таҳлил ва назорат қилиш бўлимига юклатилсин.

Бошқарма бошлиғи



Handwritten signature in blue ink.

Б.Шакиров